

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03.27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎРАЕВА УМРИНИСО РАХМАТОВНА**

**ЎЗБЕК ЖАДИД АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА БЕГАЛИ ҚОСИМОВ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Тўраева Умринисо Рахматовна**

Ўзбек жади́д адабиётини ўрганишда Бегали Қосимов тадқиқотларининг  
ўрни.....5

**Тураева Умринисо Рахматовна**

Роль исследований Бегали Касимова в изучении узбекской джадидской  
литературы.....22

**Turaeva Umriniso Rakhmatovna**

The role of Begali Kasimov's research in the study of Uzbek Jadid  
literature.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....45

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03.27.02.2020.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕК ЖАДИД АДАБИЁТИНИ ЎРГАНИШДА БЕГАЛИ ҚОСИМОВ**  
**ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.PhD/Fil1342 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ( www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Расулова Умида Абдуғафуровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Тўлаганова Санобар Панжиевна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети хузуридаги PhD.03.27.02.2022.Fil.72.09 рақамли илмий кенгашнинг 20 \_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865 221-29-14); факс: (+99865221-29-14, email: buxdu\_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14).

Диссертация автореферати 20 \_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(20 \_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_-рақамли реестр баённомаси).

**Муродов Ғ.Н.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Ғайбуллаева Н.И.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д.(PhD),доцент

**Ражабов Д.З.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида соҳанинг йирик намояндалари илмий лабораториясига кириш, уларнинг назарий усулларини, адабиёт тарихининг муайян даврига хос таракқиёт тенденцияларини ўрганишдаги ёндашув мезонларини ислоҳ қилиш масалалари доимий эътиборни тортиб келмоқда. Жумладан, илмий мактаб яратган олимлар фаолиятини тизимли равишда аниқлаш ёш илмий изланувчилар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўташи жиҳатидан муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Дунё адабиётшунослигида олим илмий лабораторияси, унга хос индивидуал хусусиятлар, адабий манбага ёндашув усуллари, уларни ўрганишдаги илмий тамойилларни ёритиш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Шу жиҳатдан адабиётшунос олим ижод йўли, илмий изланишлари тадрижи, ўрганиш усуллари ва мезонларини аниқлаш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида истиқлол учун жон фидо этган жадид ижодкорларининг ҳаёт йўли, қолдирган адабий меросини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Зеро: «Биз жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганишимиз керак. Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган кўп саволларга жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётининг қадрига етади»<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан жадид адабиёти намояндалари фаолиятини махсус ўрганган атоқли адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг илмий-ижодий йўлини, илм-фан ривожига тутган ўрнини Ғарб ва Шарқ адабиётшунослиги контекстида текшириш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида» ПФ-4794-сон Фармонлари, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup>, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент

<sup>1</sup>Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йилда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасидан.  
<https://yuz.uz/news/manaviyat-yuksalib--jaholat-chekinadi>

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/5344692>

мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup>ги қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунга келиб, жадиदчилик ва жадид адабиёти баробарида жадидшуносликни ўрганиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек жадидшунослигининг атоқли намояндаси, халқаро миқёсда эътироф қозонган олим Бегали Қосимов илмий меросини ўрганиш бўйича айрим тадқиқотлар амалга оширилган. Адабиётшунослигимизда Бегали Қосимов ижодий фаолиятининг ўрганилиши, асосан, 1992 йилдан бошланган бўлиб, олимнинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан унга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида қатор битиклар битилган, уларда олимнинг инсонийлик фазилатлари улуғланган ва адабиётшуносликдаги хизматлари у ёки бу даражада эътироф этилган. Жумладан, юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Қаҳрамонлари А.Орипов, О.Шарафиддинов, адабиётшунос олимлар М.Саъдий, Н.Комилов, А.Расулов, М.Али, С.Ахмедов, Н.Жумахўжа, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, С.Умиров, Р.Тожибоев<sup>4</sup> сингари устоз, сафдош дўстлар ва шогирдларнинг мақолалари бу жиҳатдан эътиборли. Шунингдек, 2012 йилда олимнинг 70 ёш муносабати билан Ю.Паҳратдиновнинг «Миллий уйғониш даври адабиётининг забардаст тадқиқотчиси», адабиётшунос А.Расуловнинг «Бегалининг фаолияти бетакрор эди», У.Долимовнинг «Миллий уйғониш», тарихчи олим С.Холбоевнинг «Жадидшунослик илмининг соҳиби», адабиётшунос олим Н.Жабборовнинг «Пок руҳи миллатнинг қалбида», Ш.Ризаевнинг «Адабиётшунослигимиз Ҳамлети», Б.Каримовнинг «Софдил муаллим эди», Н.Жумахўжанинг «Шараф гавҳарининг кони», тилшунос олим

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш-халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир» мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент., 2017 йил 4 август.

<sup>4</sup> Орипов А., Шарафиддинов О. Излаган олим бўлади//Ватан, 1992 йил 23-30 декабрь, 13-сон. Тожибоев Р. «Маърифат фидойиси» ( Ватан газетаси, 1992 йил 23-30 декабрь, 13-сон), М.Саъдийнинг «Муаллимнинг тўйи» (Ватан газетаси, 1992 йил 23-30 декабрь, 13-сон), Н.Комилов «Тарих ҳақиқатини айтиш заҳмати –шараф» (Халқ сўзи, 1992 йил 18декабрь сони), Ҳ.Сатторий «Бешикка осилган қўнғирок» ( Халқ сўзи, 1992 йил 15 декабрь), С.Ахмедов «Тарихимизнинг толмас тадқиқотчиси» Ўзбекистон овози, 1992 йил 18-декабрь сони), А.Расулов «Устозлар изидан» (Тошкент ҳақиқати, 1992 йил 17 декабрь сони), М.Али «Бир дарахтнинг меваларимиз» (Туркистон, 1992 йил 17декабрь сони ), Н.Жумахўжа «Ҳақиқаткаш олим» (Маърифат, 1992 йил 16 декабрь сони), С.Умир «Шижоат» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992 йил 16 декабр сони), Р.Маҳмудов «Эътиқод» (Сирдарё ҳақиқати, 1993 йил 23 февраль сони), Ш.Юсупов, У.Долимов, Ш.Ризаев «Фидокор олим» ( Ватан газетаси,1994 йил 11-сон), Қ. Йўлдошев «Олимнинг олами» (Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2002 йил 35-сон, 23-август сони), Б.Каримов «Устоз ибрати» (Моҳият, 2002 йил 40-сон,11 октябрь сони)

З.Ҳамидовнинг «Бегали Қосимов–матншунос», У.Жўрақуловнинг «Қосимов феномени», Ш.Азизовнинг «Зукко олим ва адолатли инсон», фольклоршунос Т.Собитованинг «Адабиётга бахшида умр»<sup>5</sup> каби қатор мақолаларда Бегали Қосимов илмий тадқиқотлари, жаҳид адабиёти вакиллариининг ижодини тадқиқ этиш усуллари, илмий асарлари ўзининг теран мантиқи, изчиллиги, содда ва рагон тили билан ўзбек адабиётшунослиги тарихида айрича ҳодиса эканлиги эътироф этилган. Ш.Юсупов, А.Орипов, О.Шарафиддинов, Р.Тожибоев, Р.Маҳмудов, У.Долимов, Маҳмуд Саъдий, Нажмиддин Комилов, Ҳаким Сатторий, С.Ахмедов, А.Расулов, М.Али, Н.Жабборов, Н.Жумахўжа, С.Умир, Ш.Ризаев, Қ.Йўлдошев, Б.Каримов, У.Жўрақулов, И.Бальдауф, Ф.Очиқ, Содик Турал<sup>6</sup> каби ўзбек ва хориж олимларининг Бегали Қосимов фаолиятига доир чоп этилган мақолалари олим илмий фаолиятини ўрганишда, айниқса, аҳамиятли.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ва жаҳон адабиётшуносларининг тадқиқотлари эътиборга олинди, уларга муносабат билдирилди. Тадқиқотимизда бошқа илмий ишлардан фарқли ўлароқ, Бегали Қосимовнинг тадқиқотчилик маҳорати сирлари, илмий меросининг хос хусусиятлари, жаҳидчилик ва жаҳид адабиётини ўрганишдаги тадқиқ усуллари ҳамда мезонлари монографик йўсинда яхлит тизим сифатида тадқиқ қилинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» (2018-2023 йй) йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Туркистон жаҳидчилик ҳаракати ва жаҳид адабиётига доир Бегали Қосимов тадқиқотларини ўрганиш, олимнинг мавзуга доир илмий изланишлари тадрижини ва ўзбек жаҳидшунослиги такомиленинг илмий-назарий асосларини яратишдаги хизматларини илмий баҳолаш, олим тадқиқотларининг жаҳидшуносликдаги ўрнини белгилашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Бегали Қосимов тадқиқотларида акс этган жаҳидчилик ва жаҳид адабиётини ўрганишнинг тадрижий босқичларини аниқлаш;

---

<sup>5</sup>Холбоев С. “Жаҳидшунослик илмининг соҳиби” (Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 255), Жабборов Н. “Пок руҳи миллатнинг қалбида”( Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012.–Б. 231), Ризаев Ш. “Адабиётшунослигимиз Ҳамлети”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 223., Каримов Б. “Софдил муаллим эди”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б.197., Жумахўжа Н. “Шараф гавҳарининг қони” Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б.217., Ҳамидов З. “Бегали Қосимов –матншунос”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 249., Жўрақулов У. “Қосимов феномени”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 256., Азизов Ш. “Зукко олим ва адолатли инсон”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 173., Собитова Т. “Адабиётга бахшида умр”. Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012 –Б. 262.

<sup>6</sup>Сўнгги жаҳид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –330 б.

олимнинг жаид адабиётини юзага чиқариш йўлидаги дастлабки изланишлари сифатида «Излай-излай топганим» монографиясининг мундарижасини очиб бериш;

адабиётшуноснинг «Миллий уйғониш» монографияси мисолида ўзбек жаидшунослиги такомилининг илмий-назарий асосларини ёритиш;

олим тадқиқотларидаги илмий усуллар ва мезонларни аниқлаш, унинг ўзбек ва қардош халқлар адабиётидаги жаидчилик ғоялари бадий талқинининг муштарак ҳамда ўзига хос хусусиятларига доир илмий қарашларини очиб бериш;

адабиётшуноснинг ўзбек жаид адабиёти ва Европа ижтимоий-адабий ҳаракатчилиги муносабатларига доир тадқиқотларига хос муҳим хусусиятларни аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида адабиётшунос олим Б.Қосимовнинг «Мирмуҳсин Шермухамедов», «Излай-излай топганим», «Миллий уйғониш» монографиялари ва жаидчилик адабиётига оид тадқиқотлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Бегали Қосимовнинг Туркистон жаидчилик ҳаракати ва жаид адабиётига доир илмий изланишлари тадрижи, олимнинг тадқиқ усуллари ва мезонлари, олим асарларининг жаидшунослик тараққиётидаги ўрни масалалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тарихий-қиёсий, биографик, герменевтик ҳамда социологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Бегали Қосимов илмий лабораториясининг индивидуал хусусиятлари, унинг ўзбек жаид адабиётига доир илмий-назарий концепцияси, адабиётшуносликка олим олиб кирган янгиликлар ёритилган;

адабиётшуноснинг жаидчилик ва жаид адабиётига доир тадқиқотлари: илк, такомил ва жаҳон адабий ҳаракатчилиги контекстида текширилиши тарзида тадрижий таснифланиб, ҳар бир босқичга хос хусусиятлар очиб берилган;

олимнинг адабий манбага ёндашув мезонлари, услублари ҳамда у асослаган илмий тамойиллар адабиётшуносликнинг сўнгги ютуқлари негизида баҳоланган;

Бегали Қосимовнинг Туркистон жаидчилик ҳаракати ва жаид адабиётига доир илмий ишлари мавзуга доир хорижий тадқиқотлар билан қиёсий-типологик аспектда текширилган, улардаги муштарак ва фарқли жиҳатлар далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

олим асарларида социологик, биографик ва герменевтик тадқиқот усулларидан фойдаланилганлиги исботланган;

жаид адабиётини ўрганишнинг илмий-назарий асослари Бегали Қосимов тадқиқотларида ишлаб чиқилган тамойиллар орқали кўрсатилган;

Бегали Қосимов илмий ишларида ўзбек ва қардош халқлар адабиётида жаидчилик ғоялари талқинининг муштарак ва ўзига хос хусусиятлари қиёсий аспектда очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги; таҳлилга тортилган материалларнинг тарихий-қийёсий, биографик, герменевтик ҳамда социологик таҳлил усуллар воситасида асосланганлиги; назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти жадидушunos олим Бегали Қосимовнинг илмий-ижодий лабораторияси, унинг адабий манбаларга ёндашув усуллари ўрганилган назарий қарашлардан дадид адабиётшunosлигининг илмий-назарий асосларини яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти», «Янги ўзбек адабиёти тарихи», «Адабиётшunosлик назарияси», «Бадий таҳлил асослари» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, адабиётшunosлик терминлари луғатини такомиллаштиришда қўлланилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек жадида адабиётини ўрганишда Бегали Қосимов тадқиқотларининг ўрнини тадқиқ этиш бўйича эришилган илмий натижалар асосида:

ўзбек жадида адабиёти хос хусусиятларининг белгиланиши ҳамда унинг жаҳон адабий ҳаракатчилиги контекстида ўрганилишига доир назарий қарашлардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ф.ф.д., профессор Ш.Сирожиддинов раҳбарлигида 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ғ-030 – «Ўзбек адабиёти тарихи» кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада (Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 15 июндаги №04/1-2067 маълумотномаси), ҳамда ҒА-Ғ1-005 «Қорақалпоқ фольклоршunosлиги ва адабиётшunosлиги тарихини тадқиқ этиш» (2017–2020 й.й.) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (ЎзҒА Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар илмий-тадқиқот институтининг 2022 йил февральдаги 17.02/02-сонли маълумотномаси). Натижада Бегали Қосимов тадқиқотларидаги илмий усуллар ва мезонларни аниқлашга эришилган;

диссертация Бегали Қосимов тадқиқотларининг қўлами ва салмоғидан, тадқиқ усулларининг хос хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ёритиб берилган илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясида «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларининг 2022 йил январь ва февраль сонидagi сценарийсини тайёрлашда унумли фойдаланилган. Шунингдек, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Mahalla» радиоканалининг «Сўнмас юлдузлар», «Умрбоқий сиймолар» эшиттиришларини тайёрлашда интервьюлар олинган. Натижада маълумотлар асосида кўрсатувларнинг илмий-оммабоплик хусусияти орттирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, республика ҳамда Халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, жами 132 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек жаҳид адабиётини ўрганишнинг илк босқичи**» деб номланган биринчи боби «*Бегали Қосимов фаолиятининг адабиётшуносликда ўрганилиши ва олимнинг илмий биографияси*», «*Жаҳид адабиётини юзага чиқариш йўлидаги дастлабки изланишлар*», «*Излай-излай топганим*» монографиясининг жаҳид адабиёти тадқиқида тутган ўрни» номли уч фаслдан таркиб топган. Бобда жаҳидчилик ва жаҳид адабиёти бўйича ўзбек ва жаҳон олимлари томонидан қилинган салмоқли илмий тадқиқотлар ва бу силсилада олим Бегали Қосимов томонидан амалга оширилган тадқиқотларнинг ўзбек ва жаҳон адабиётшунослигида тутган ўрни масаласи таҳлил қилинган. Н.Каримов<sup>7</sup>, Ш.Юсупов<sup>8</sup>, У.Долимов<sup>9</sup>, Ш.Турдиев<sup>10</sup>, Д.Қуронов<sup>11</sup>, Н.Жабборов<sup>12</sup>, Б.Каримов, Ш.Ризаев<sup>13</sup> И.Ғаниев<sup>14</sup>

<sup>7</sup>Каримов Н. Жаҳид адабиёти: пайдо бўлиш ваки ва сабаблари//Маърифат. 2005, 3-сон. Шу муаллиф. Ҳамза ва жаҳидчилик //Гулистон.1994.,№2 сон. Жаҳидчилик нима?// Санъат. 1990.№2

<sup>8</sup>Юсупов Ш. Хуфя қатламлар. –Тошкент: Маънавият, 1999 . Маърифатпарвар шоир Каримбек Камий // Гулистон. 1997. №1.– Б. 60

<sup>9</sup>Долимов У. Исмоил Гаспринский ва Туркистонда усули жаҳид мактаблари // Исмоил Гаспринский ва Туркистон. – Тошкент: Шарқ, 2005. – Б.68-83. Шу муаллиф. Миллий уйғониш – ўзликни англаш // Филология масалалари. 2003. №3–4.

<sup>10</sup>Турдиев Ш. Меросимизнинг бир саҳифаси (1989). Миёнбузрук Солиҳов ҳаёти ва ижодининг ўрганилишига доир тадқиқот. <https://ziyouz.uz/film-va-fan.merosimizning-bir-sahifasi-1989/>

<sup>11</sup> Қуронов Д. Абдулҳамид Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б.75.

<sup>12</sup>Жабборов Н. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 23-27; *шу муаллиф*. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. д-ри.... дисс. –Тошкент, 2004. – Б. 25-32.

<sup>13</sup> Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. –Тошкент: Шарқ, 1997. –Б. 315.

<sup>14</sup> Ғаниев И. Фитратшунослик. – Бухоро, ..... –289 б.

каби ўзбек адабиётшунослари, шунингдек, америкалик Э.Оллворт<sup>15</sup>, А.Холид, А.Лаззери, француз А.Беннингсон, олмон И.Балдауф<sup>16</sup>, италиялик Марко Буттино<sup>17</sup>, япониялик Х.Коматсу<sup>18</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Бу силсилада Б.Қосимовнинг фундаментал тадқиқотлари алоҳида ўрин тутади. Бобнинг «Бегали Қосимов фаолиятининг адабиётшуносликда ўрганилиши ва олимнинг илмий биографияси» деб номланган биринчи фаслида адабиётшуносликда Б.Қосимов ижодий фаолиятининг турли қирралари тадқиқ этилгани, ижодий фаолиятига муносабат масалалари, олимнинг ижодий биографияси турли таснифлар асосида ўрганилди. Жадидчилик даври ўзбек мумтоз ва янги ўзбек адабиёти ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтади. Шу даврдан бошлаб, адабиётнинг ижод йўналиши, жанрлар тизими, бадиий тасвир принциплари янгиланди, мавзулар олами бойиди. Ушбу жараёнга хос хусусиятларни, шаклланиш ва такомил босқичларини назарий асосда фундаментал текшириш илмий эҳтиёжга айланди. Жадидчилик моҳиятини, жадид адабиётининг юзага келиши, дастлабки намояндалари фаолиятини ўрганишга киришган ва катта натижаларга эришган адабиётшунос олим Бегали Қосимовнинг тадқиқотлари шу йўналишдаги ишлар учун назарий ва амалий асос вазифасини ўтади. Шу нуқтаи назардан олимнинг серқирра фаолияти ҳамиша адабиётшунослигимиз эътиборида бўлиб келди. Унинг фаолияти нафақат ўзбек олимлари, балки хориж олимларининг ҳам назарига тушди. Мазкур жиҳатларни инобатга олиб, Бегали Қосимов фаолиятининг адабиётшуносликда ўрганилишини икки босқичга бўлиш мумкин:

I. Ўзбек адабиётшунослигида Бегали Қосимов тадқиқотларига муносабат масаласи.

II. Бегали Қосимов илмий фаолиятининг халқаро миқёсда эътироф этилиши.

I. Ўзбек адабиётшунослигида Бегали Қосимов тадқиқотларига муносабат масаласи. Бегали Қосимов уч юзга яқин илмий мақолалар, ўндан зиёд дарслик, ўқув қўлланма, монография ва рисоалар муаллифидир. Бинобарин, «Мирмуҳсин Шермухамедов» (1967), «Абдулла Авлоний» (1979), «Инқилобий шеърят саҳифалари» (1977), «Исёнкор қалб» (1985), «Излай-излай топганим...» (1983), «Салом келажак» (1986), «Маърифат дарғалари» (1990), «Революция и литература» (1991), «Исмоилбек Гаспирли» (1992), «Маслакдошлар» (1994), «Миллий уйғониш» (2002), «Ўзбек адабиёти ва адабий алоқалар тарихи» (2011), «Уйғонган миллат маърифати» (2011) кабилар шулар жумласидандир. Бегали Қосимовнинг кенг қамровли илмий-ижодий

<sup>15</sup> Оллворт Э. «Замонавий ўзбеклар: XIV асрдан ҳозиргача маданий тарих (А.Фитратнинг «Мунозара» асари хусусида / Инглиз тилидан Э.Тед, Ҳ.Болтабоев таржимаси) // Туркистон, 1997 йил 15 октябрь.

<sup>16</sup> Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. –189 б.

<sup>17</sup> Италиялик тарихчи олим Марко Буттино, япониялик олим Ямамучи жадидлар ҳақида катта изланишлар олиб борганлар. Буттинонинг фикрича, Ўрта Осиёдаги жадидчилик ҳаракатининг шаклланишига рус чоризмининг мустамлакачилик сиёсатидаги жиддий хатолар сабаб бўлгани эътироф этилади.

<sup>18</sup> <https://n.ziyouz.com/books/tarixiy/Jadid>

йўли ҳақида адабиётшунослигимизда бир қатор ишлар амалга оширилган. Бу тадқиқотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Олим китобларига ёзилган сўзбоши ҳарактеридаги мақолалар, тақризлар
2. Илмий фаолиятига бағишланган адабий-танқидий мақолалар
3. Ижодий биографиясини ёритишга қаратилган ихчам адабий чизгилар ёки адабий портретлар
4. Дўстлари, ҳамкасбларининг таассурот ва эсдаликлари асосида яратилган хотира асарлари, ёдномалар. Фаслда шу тасниф асосида Бегали Қосимовнинг серқирра фаолияти изчил таҳлил этилган

II. Бегали Қосимов илмий фаолиятининг халқаро миқёсда эътироф этилиши. Жадидшунос олимнинг илмий фаолияти нафақат ўзбек адабиётшунослари томонидан, балки халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган. Жумладан, Севги Аҳмат, Ингеборг Балдауф, Содик Турал, Фатма Очик, Бекир Тумен<sup>19</sup> кабиларнинг хотира мақолалари чоп этилди. Ушбу мақолаларнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда адабиётшунос олимнинг халқаро миқёсда олиб борган илмий тадқиқотлари ва уларнинг аҳамияти масаласи ўрганилган. Жумладан, немис олимаси Ингеборг Балдауф Б.Қосимовнинг бўлғуси тадқиқотлари учун янги материаллар йиғиш ва ўз тадқиқотларини фактик жиҳатдан бойитиш ниятида бир неча бор Туркияга, Олмонияга сафарлар уюштирганлиги, шу тариқа у XIX аср охири XX аср бошларида Европа ва «Ғарб» билан танишиш мақсадида Усманийлар империяси (Истанбул, лекин, табиийки, аввало, Макка, Мадина ва Қуддус каби муқаддас шаҳарлар) бўйлаб сафарлар қилганлиги, чор ҳукумати таъсирида бўлган мамлакатларнинг машҳур жадидлари изидан боришни ният қилган<sup>20</sup>лигини эътироф этади. Туркиялик олима Фатма Очик ҳам ўзининг «Севимли устозимга»номли хотира мақоласида: «Устознинг ёнига илк бор 1997 йилда борганлиги, уни шоғирдликка олгач, ҳар кўрганида ўзбекчалаб: «нима гап, нима янгилик, ишингиз учун қандай янгиликлар, материаллар топдингиз» деб сўраб, олимнинг ҳар бир илм одамига мана шундай ғамхўрлик билан муносабатда бўлганини эътироф этади. 2002 йилда илмий ишини ҳимоя қилаётганида унга маънавий мадад бўлиш учун хизмат сафари билан Қашқадарёга кетган бўлса ҳам, етиб келганлигини илм йўлидаги ҳақиқий жасорат ва фидойилик дея баҳолайди. Давомида: «Бегали домланинг ҳаётида бекат йўқ эди, тинимсиз изланарди, мағлубиятни тан олмас эди, унинг сокингина, юмшоқ оҳангда гапириши ва хокисоргина қиёфаси тингловчиларга тез таассурот қолдирарди»<sup>21</sup>, дея хотирлайди. Фатма Очикнинг бу эътирофларидан олим шахсиятининг нақадар ибратли экани ва унинг илмга фидойи, ҳалол инсонлигини англаймиз. Умуман олганда, бу турдаги портрет мақола ва

<sup>19</sup> Севги Аҳмат “Toshkent davlet universiteti o`zbek tili ve adabiyati o`gretim uyesi prof. Dr Begali Kasimov ile bir chay sohbati” (Туркия. 1998 й), Ингеборг Балдауф “Замон ва маконга саёҳатлар: жадидчилик утопияси ҳақида ўйлар” (2012 й. Германия), Содик Турал “Олимнинг ўлими –оламнинг ўлими” (2012 й, Туркия.), Фатма Очик “Севикли устозимга” (2012 йил, Туркия), Бекир Тумен “Умумтурк олими” (2012 йил, Туркия)

<sup>20</sup> Сўнгги жадид қиссаси. (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б. 111

<sup>21</sup> Сўнгги жадид қиссаси” (Бегали Қосимов замондошлари хотирасида). –Т.: Турон-иқбол, 2012. –Б.

хотиралар бир-бирини тўлдириши, олимнинг инсоний ва илмий доирадаги шахсиятини комплекс тасаввур этишда бизга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Таҳлил ва ўрганишлар натижасида олим илмий биографиясини қуйидаги тасниф асосида тадқиқ қилиш самарали бўлади, деб ҳисобладик:

1. Б.Қосимовнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир тадқиқотлари;
2. Жадидчилик ва жадид адабиётига оид асарлари;
3. Адабиётшуносликнинг назарий муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлари;

4. Замонавий адабиётга доир мақолалари;

5. Жаҳон адабиёти ва ўзбек адабий алоқалари тарихига оид тадқиқотлари. Фаслда ушбу тасниф асосида адабиётшунос олим тадқиқотларининг муҳим хусусиятлари: асл манбаларга таянганлиги, уларни мукамал илмий изоҳлар билан нашр эттирганлиги, матний таҳлилларни амалга оширганлиги кабилар ёритиб берилган.

Бобнинг «*Жадид адабиётини юзага чиқариш йўлидаги дастлабки изланишлар*» номли иккинчи фаслида олимнинг 1967 йилда ёзилган «Мирмуҳсин Шермухамедов ва унинг адабий муҳити» номзодлик диссертацияси таҳлил қилинди. Б.Қосимов жадидчилик даври адабиётини тадқиқ қилар экан, давр чиғириғидан ўтказиш мақсадида 1905-1917 йиллар адабиётини «Инқилобий адабиёт», «Инқилобий шеърият» номи остида комплекс ўрганишни ва шу даврда ижод қилган ижодкорлар фаолияти, уларнинг ижод намуналарини адабиётга тўлалигича олиб чиқишни ўз олдига мақсад қилганига гувоҳ бўламиз. Тадқиқотчи жадид маърифатпарвари Мирмуҳсин Шермухамедов ижодий фаолиятини тадқиқ қилиш жараёнида тарих саҳифаларида энг мураккаб давр саналган XIX аср охири XX аср бошлари ўзбек адабиёти муаммоларини синчиклаб ўрганди, янги ўзбек (жадид) адабиёти бўйича ўз анъаналари, тадқиқ усулларига эга бўлган халқаро миқёсда тан олинган илмий мактаб шаклланишига замин яратди. Бобнинг «*Излай-излай топганим...*» монографиясининг жадид адабиёти тадқиқида тутган ўрни» номли учинчи фаслида олимнинг 1983 йилда яратилган, ўз даврида адабий шов-шувлар ва баҳсларга сабаб бўлган «Излай-излай топганим...» китоби таҳлилга тортилган. Шу билан бирга, 2002 йилда жадидчилик даври бўйича қирқ йиллик тажрибалари асосида ёзилган «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» номли фундаментал дарслиги истиклолдан олдинги тадқиқотлари билан қиёсан ўрганилган, таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Ўзбек жадидшунослиги такомилининг илмий-назарий асослари**» деб номланган иккинчи боби «*Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояналари меросини тадқиқ этиш усуллари*», «*Миллий уйғониш даври адабиётининг жанр ва мавзу кўлами ҳамда поэтикаси талқини*» сингари икки фаслдан таркиб топган. Атоқли тадқиқотчи олимларнинг илмий методларини, муайян адабий манбаларни тадқиқ қилиш усулларини ўрганиш икки жиҳатдан аҳамиятли саналади. Биринчи жиҳат:

тажрибали олимларнинг тадқиқот объектига ёндашув мезонларини, тадқиқ усулларини ўрганиш имконини беради. Иккинчи жиҳат: илм майдонига кириб келаётган ёш изланувчи-тадқиқотчиларнинг устоз олимлар илмий лабораториясига чуқур кириши, ундан сабоқ олишлари учун ниҳоятда зарурдир. Профессор Бегали Қосимовнинг миллий уйғониш ва жаҳид адабиётига бағишланган тадқиқотларидаги илмий тадқиқот усулларини ўрганиш шу жиҳатдан аҳамиятга эга. Бобнинг «*Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти намояндалари меросини тадқиқ этиш усуллари*» номли фаслида олим тадқиқотларида қўлланилган социологик, герменевтик, биографик, қиёсий, тарихий илмий тадқиқот усуллари ижодкорлар ва улар яратган асарлари мисолида таҳлил қилинди. Олим тадқиқотларида бир вақтнинг ўзида бир неча тадқиқ усулларидан самарали фойдаланиш ҳолатини кузатишимиз мумкин. Миллий уйғониш ва ўзбек жаҳид ижодкорлари фаолиятига доир фундаментал тадқиқотларида бу хусусият яққол намоён бўлган. Исмоилбек Гаспринский, Бехбудий, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов сингари жаҳидлар ижодини герменевтик ҳам биографик тадқиқ усули ёрдамида тадқиқ этган бўлса, Авлоний, Нозимахоним, Мискин, Хислат, Тавалло, Мунаввар қори, Сидқий Хондайлиқий, Сиддиқий Ажзий, Нодим Намангоний, Гулшан, Ҳусайнқул Муҳсиний ва шу каби қатор ижодкорлар ҳаётини социологик метод асосида ёритиб берганлигига гувоҳ бўламиз. Олим томонидан қўлланилган илмий методлар, уларнинг жаҳид ижодкорлари ижодини тадқиқ этишда тутган ўрни масаласини ўрганиш муҳимлигини, шу билан бирга қизиқарли илмий хулосаларга олиб келишини кузатамиз. Тадқиқотчи социологик метод, биографик, герменевтик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик метод имкониятларидан самарали фойдаланган.

Бобнинг иккинчи фасли «*Миллий уйғониш даври адабиётининг жанр ва мавзу кўлами ҳамда поэтикаси талқини*» деб номланган. Бу фаслда: 1. Олим томонидан жаҳид адабиётида миллат ва миллият масалалари талқини илмий асслангани; 2. Миллий уйғониш даври адабиётида поэтик мазмун ва шакл янгилиниши далиллангани; 3. Поэтик образлар табиатининг янгилиниши тадқиқ қилингани; 4. Адабий жанрлар янгиланганига доир назарий қарашлари илгари сурилган тадқиқотлари таҳлил этилди.

Б.Қосимов «Излай-излай топганим...» монографиясида олим ўзбек жаҳид адабиётининг чегараларини 1865-1929 йиллар қилиб белгилашни мақсадга мувофиқ ҳисоблайди. Кейинчалик 2002 йилда чоп этилган «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик» дарслигида эса бу а) маърифатпарварлик б) жаҳид адабиёти сифатида ажратилганлиги ва бевосита бу адабиётларнинг хос хусусиятлари мавжудлиги тадқиқ этилган. 1905 йилдан шаклланган ва зиёлилар 1925 йиллардан қатағон қилина бошлаган бўлса-да, ундан олдинги ва кейинги даврни эътибордан соқит қилиш тўғри эмас, дея таъкидлайди олим. 1929 йилдан бу адабиётнинг йўли-йўналиши ўзгарди, социалистик платформага ўта борди. Ўз номи билан бу давр адабиёти янгилиниш даври адабиётидир. Янгича маърифатпарварлик даври адабиётида ҳам қадим даврлардан ижод қилиб келинаётган адабий турлар, жанрлар

сақланиб, девон адабиётида поэзия яъни шеърят асосий ўрин эгаллаган. Янги бармоқ вазни билан бирга мумтоз аруз вазнидан асосий шеър вазни сифатида кенг фойдаланилди. Ғазал, рубоий, туюқ, таърих, муаммо, мухаммас, мусаддас, мусамман ва айниқса, маснавийда кенг ижод қилинди. Бу давр адабиётида саёхат хотираларини ифодаловчи саёхатнома жанри майдонга келди. Олим ишқ мавзуси бу даврда ҳам шеърятнинг марказий мавзуларидан бири бўлиб қолганлиги, илоҳий ишқ, тасаввуфий ғоялар кучайганлигини давр ижодкорлари Юсуф Сарёмий (1845-1912), Зиёвуддин Ҳазиний (1867-1923) каби шоирларнинг диний-тасаввуфий шеърлари билан шухрат қозонганлигини тадқиқ қилганлигида кўрамиз. Олимнинг «Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик», ҳаммуаллифликда яратилган «Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти» номли тадқиқотларидан бадиий адабиётда ҳажвиёт ривож топганлиги, ижтимоий, сиёсий муаммоларда танқиднинг кучайганлиги таҳлил қилинган. Янги жанрлар (масалан, драматик тур жанрлари, публицистика, очерк каби) пайдо бўлди. Бу давр адабиётида икки тиллилик (зуллисонан) анъанаси давом этди. Мадраса кўрганларнинг деярли ҳаммаси араб, форс тилларидан хабардор эдилар. Шоирларнинг кўпчилиги ўзбек тили билан бир қаторда тожик тилида ҳам ижод эта олар эдилар. Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомийлар бу давр ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом бердилар. Шу билан бирга табиийки, шоирларимиз Муҳаммад Фузулий, Махтумқули каби туркий дунёнинг юксак юлдузларини ҳам ўзларига устоз билдилар. Хоразмда Огаҳий, Баёний каби ижодкорлар ташаббуси билан таржима мактаби майдонга келди. Ўнлаб асарлар форс тилидан ўзбек тилига таржима қилинди. Тошкентда машҳур ҳинд эпоси «Калила ва Димна»ни Фазлуллоҳ Алмаий (1852-1891), араб эртаклари «Минг бир кеча»ни Сидқий Хондайлиқий (1884-1934) форсчадан ўзбекчага ўғирдилар. Муродхўжа домла томонидан Саъдий Шерозий «Гулистон» асарининг янги таржимаси амалга оширилди. 80-йилларда Л. Н. Толстой, 90-йиллардан А. С. Пушкин, А. А. Крилов номлари Туркистонга кириб келди. Машҳур рус ёзувчиси Л.Н.Толстойнинг «Одамлар нима билан тирик» ҳикояси, 1899 йили Пушкин таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг «Боқчасарой фонтани», «Шоир» асарлари таржимаси «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида босилди. Сўнграқ Саидрасул Азизий (1866-1933), Алиасқар Байрамали Калинин, Абдулла Авлоний (1878-1934) каби муаллифларимизнинг усули жаҳид мактаблари учун тузилган дарсликларига киритилди. Адабий ҳаракатчилик анъанага кўра кўпроқ Қўқон, Хива, Самарқанд, Бухорода ривож топди. Тошкент ҳам янги пойтахт сифатида тез юксалиб, адабий-маданий марказга айлана бошлади<sup>22</sup>. Шаклан ва мазмунан янги бўлган жаҳид адабиётнинг айрим хусусиятларини профессор Б.Қосимов қуйидагича изоҳлайди: « Янги ўзбек адабиётининг марказида Миллат ва Ватан, унинг аҳволи, тақдири турди. Ушбу мавзунинг қўйилиши ҳам, ҳал қилиниши ҳам мумтоз ва маърифатпарварлик адабиётидан тубдан фарқ қилади. Жаҳид маърифатпарварларимиз учун бу конкрет тушунча сифатида

<sup>22</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Т.: Маънавият, 2002. –Б. 31.

тилга олинади. Масалан, Ватан, бу-Туркистон, Мовароуннахр, Миллат эса, биринчи навбатда туркистонлилар, ўзбеклар, «Ҳар бир кишининг туғулиб ўскон шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур», -деб ёзади Абдула Авлоний, шоир Таваллода эса «Мовароуннахрдур тарихда бизларга ватан», «Эй ватандош, ҳамфикр, ҳамзикрим, ҳамхоналар» деб бошланадиган Дилшод Барнонинг ғазалида «Тошкент, Хўқанд ҳам Фарғоналар» она ватаннинг тимсоллари сифатида тилга олинади<sup>23</sup>. Ватанни севмоқ, уни кадрламоқ иймон белгиси сифатида қаралади. Ҳамза Ватанни «танларнинг ширин жони, томирларнинг қони» деб атайди. Тавалло ватанга «жону тан» ни қофия қилади, «бу ватандур бадан» деб ёзади. Ўша даврнинг долзарб муаммоларидан бири бу—хотин-қизлар озодлиги, уларнинг жамиятдаги ўрни масаласи эди. Бу масала адабий жараёнда ҳам кенг муҳокама қилинди, Каримбек Камий, Саидахмад Васлий, Шарафиддин Хуршид «Тасаттири нисвон» ни ҳимоя қилдилар. Анбар Отин, Тавалло, Нозимахонимлар улар билан баҳсга киришиб, қизларни ўқитиш ва ҳар жиҳатдан тенг бўлувчи никоҳни кўтариб чиқдилар. Таваллонинг «Қариндош ва ҳамшираларимиз мазлума қизлар тилиндан» шеърда шундай сатрларни учратамиз:

Ўқутгон сўнгра воргонда, куёв тенгдошимиз ўлсун,  
Иков ҳам илмлик, ёшликда-бирдек ёшимиз ўлсун.  
Жаҳонда шод ўлуб, ҳам охират қардошимиз ўлсун,  
Агар чолларга тушсак, заҳр ичгон ошимиз ўлсун.  
Илоҳо, сақла бизни дунёда мундоқ фалокатдин.

Янги адабиёт замон воқеалари билан қадамба қадам борди<sup>24</sup>.

1916 йилги «Мардикорлик воқеалари» номи билан тарихга кирган миллий озодлик ҳаракатлари тасвири янги адабиётнинг муҳим бир саҳифасини ташкил этади. Бу мавзуни ўзида акс эттирган халқ тилидан қатор маҳзун кўшиқлар, шеърлар, дostonлар, драматик асарлар яратилди. Б.Қосимов бу ҳақда шундай дейди: «Биргина шеърятда бу мавзуга доир ўнга яқин тўпламни санаш мумкин. Чунончи, Ҳамзанинг «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» (1917), Авлонийнинг «Мардикорлар ашувласи», Сидқийнинг «Работчилар намойиши», «Работчилар келиши», Акбарий Тошкандийнинг «Ватанга хизмат» каби бир қанча мисолларни келтириш мумкин. Жадидшунос олим бу жараёни қардош халқлар адабиёти билан қиёсан таҳлил қилган.

Диссертациянинг «**Ўзбек жадид адабиётининг жаҳон адабий ҳаракатчилиги контекстида ўрганилиши**» номли учинчи боби «*Жадидчиликнинг ўзбек ва қардош халқлар адабиётидаги муштарак ҳамда ўзига хос хусусиятларига доир илмий ҳақиқатлар*», «*Ўзбек жадид адабиёти ва жаҳон ижтимоий-адабий ҳаракатчилиги масаласининг тадқиқ этилиши*» деб номланган фасллардан иборат.

<sup>23</sup> Қосимов Б. Излай-излай топганим...Т.:Адабиёт ва санъат, 1983. –Б.18.

